

Устоз Анвар Аҳмад домланинг Шайх Ҳазрат ҳақларидаги хотираларини кўриб ёзилган ИЗОҲ



09:26 / 23.09.2023 2271

Маълумки, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувиغا билдирилган энг яхши изоҳ учун танлов эълон қилинган эди. Islom.uz порталининг YouTube саҳифаси орқали «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувининг устоз Анвар Аҳмад домла иштирок этган сонига ёзилган изоҳни сиз азизларга тақдим этамиз:

«Алҳамдулиллаҳ, ушбу кўрсатув орқали жуда кўп манфаатлар бўляпти. Нафақат шайх ҳазратнинг сийратлари, балки сийрат орқали у кишининг одоблари, фикҳда тутган йўллари, ақидалари, Аллоҳга ишончлари, меҳрибонликлари, дин қайғуси каби гўзал ҳолатлар ҳақида жуда кўп илм оляпмиз. Шу орқали шайх ҳазратдан анча намуна оляпмиз. Ҳозирги кунимизда аҳли илмлар учун энг намуна зот эканликларини тушуниб боряпмиз.

Бу кўрсатув янада кенг миқёсда узатилиши керак деган фикрдаман. Телевизор орқали ҳам узатилса, шайх ҳазратдек зотни халқимиз янада яхшироқ таниб олар эди. Халқимизнинг бу зотни таниши жуда кўп

манфаатлар беради, хусусан, ҳар бир вакилининг қалбида динга муҳаббатни пайдо қилади, мусулмонлик гўзал нарса эканини тушунишларига туртки бўлади. Инша Аллоҳ.

Кўрсатувдаги энг ёққан хотира устоз Анвар Аҳмад домла билан бўлган суҳбат эди. Устоз Анвар домла ушбу суҳбатда: «Шайх ҳазратнинг китобларини ўқиётган, мавъизасини эшитаётган кишилар ичида ота-онасига қарши чиқаётганлар, оиласи билан можаро қилаётганлар, юрти билан чиқиша олмаётган одамни кўрдингизми? Йўқ, албатта. Ҳазратнинг илмидан баҳра олаётганлар оиласида ҳам табаррук, ота-онасини ҳам ҳурмат қиладиган бўляпти, юртига, жамиятига манфаат берадиган бўлиб чиқяпти», дея ўринли фикрларни айтганлар.

Шу билан бир қаторда устоз Анвар Аҳмад домланинг ҳазратга бўлган муҳаббатлари жуда кучли экан. Бундан ташқари, Анвар Аҳмад домлада сийратни баён қилишда гўзал услуб ҳам бор экан. Яна керакли, ибрат бўладиган нукталарни ҳам қайд этиб ўтганлар.

Барча сондан олган 10 та хулосам ҳақида қўлган келганча ёзмаларимни тақдим этаман:

«Мен шайх ҳазратда Аллоҳ яхши кўрадиган хислатлар кўп эканини кўрдим. Жумладан, бир ҳадисда: «Аллоҳ сизларнинг амалини пухта қилиб қилишини севади» дейилганини ўқиганман. Шунга мувофиқ, ҳазратда ишларни пухта қилиш бор эканлигига амин бўлдим.

Яна бир ҳадисда: «Аллоҳ яхши кўрадиган икки хислат бор: ҳалимлик ва ҳаё» дейилган. Ҳазратда ҳаё ҳам кучли эканини сездим, ҳалимликлари-ку энг зўр эканини англадим.

Яна бир ҳадисда: «Одамларнинг энг яхшиси ва Аллоҳга ёқадигани – одамларга кўп манфаат етказадиганидир» дейилган. Ҳазратда ҳаммага манфаат етказиб қолиш истаги бор эканини билдим. Мана шундай хислатлар соҳиби бўлганлари сабаб Аллоҳ таоло шайх ҳазратни бу юртда азиз қилганини англадим. Биз ҳам ҳурматли инсон бўлишимиз учун Аллоҳга маҳбуб амалларни кўп қилишимиз керак экан.

Кўрсатув борасида яна бир таклифим шуки, кейинги сонларида ҳазрат ҳақида билишни хоҳлаганлар учун савол бериш имкони ҳам қилиб берилса яхши бўларди.

Ҳазратни афсуски вафотларидан кейин таниганман. У зотни видеоларда доим кўраман. Менда ҳам худди Анвар Аҳмад домла айтгандек ҳолат бўлади. Ҳазратнинг видеоларини кўп кўрганимдан у зотнинг китобларини ўқиган пайтимда ҳазрат худди менга гапирётгандек бўладилар, ҳазрат баъзан ёнимда тургандек туюлади, китоб ўқисам, овозлари эшитилади қалбимга...

У зотдан жуда кўп манфаат олганман, айниқса, сўзлаш услублари, шошилмасликлари, сўзларни танлаб гапиришлари менга жуда таъсир қилган ва шу хислатлардан ўзимга насиба олишга ҳаракат қилганман».

Мирзобек Яқубов